

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЮНУСОВА ГУЛЬШОДА ДИЛШАДОВНА

**ЗАМОНАВИЙ КОРЕЙС ТИЛИДА КЎМАКЧИ ФЕЪЛЛАРНИНГ
СЕМАНТИК-ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УЎК: 811.531
КБК: 81.2 (5)
Ю – 57

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера та доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Philological Sciences**

Юнусова Гульшода Дилшадовна

Замонавий корейс тилида кўмакчи феълларнинг семантик-функционал
хусусиятлари 3

Юнусова Гульшода Дилшадовна

Семантико-функциональные особенности вспомогательных глаголов
в современном корейском языке 23

Yunusova Gulshoda Dilshadovna

Semantic and functional features of auxiliary verbs in modern
Korean Language 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХЎЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЮНУСОВА ГУЛЬШОДА ДИЛШАДОВНА

**ЗАМОНАВИЙ КОРЕЙС ТИЛИДА КЎМАКЧИ ФЕЪЛЛАРНИНГ
СЕМАНТИК-ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Fil904 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tashgiv.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ким Наталья Дек-хеновна

филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Сиддикова Ирода Абдузухоровна

филология фанлари доктори, профессор

Ким Пъенгиль (Корея Республикаси)

филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақами Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» да тарқатилди.

(2020 йил «_____» даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

Б. Тўхлиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигига сўнгги йилларда қардош ва қардош бўлмаган тиллардаги феълнинг сўз туркумлари орасидаги ўрни, хусусиятлари, ифодаланиши, феъл турлари, хусусан, кўмакчи феълнинг маънолари, қўлланилиши ва унинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этишда янгича ёндашувлар кузатилмоқда. Кўмакчи феълларнинг морфологик-семантик хусусиятлари, кўмакчи феъл ифодалайдиган маънонинг келиб чиқиши ҳар бир тилнинг ўз ички қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилиб келинмоқда. Баъзи тилларда кўмакчи феълнинг етакчи феълга¹ бирикиши қоидалари ва улар орасидаги муносабат ўрганилса, баъзиларида кўмакчи феъл алоҳида мустақил бирлик тарзида ўрганилган. Кўмакчи феълларни белгилаш мезонлари ва уларнинг сони ҳам турлича.

Дунё тилшунослигига замонавий корейс тилидаги кўмакчи феълларни белгилаш, уларни таснифлаш масаласи ҳозирга қадар узил-кесил ҳал этилмаган. Корейс тилида кўмакчи феълларнинг таснифи², уларнинг маъно ва вазифалари³, қўлланилиш имкониятлари⁴, «етакчи феъл + кўмакчи феъл»⁵ моделига доир масалалар тадқиқ қилинса-да, илмий ёндашувларда яқдиллик кузатилмайди⁶. Шунингдек, модал маъно ифодаловчи кўмакчи феълларнинг хусусиятлари ва маъно қўлами батафсил ўрганилмаган. Кўмакчи феълларнинг ўзига хос маъно ва вазифалари, хусусан, уларнинг тизимли семантик таснифи ҳам ягона тизимга эга эмас.

¹ Корейс тилида кўмакчи феъл бирикадиган феъл **본용언** [bon yong-eon] (айн. «асосий предикат») деб аталади. Лугатларда бундай феълга қуидагича таъриф берилган: 문장의 주체를 주되게 서술하면서 보조 용언의 도움을 받는 용언 (이회승. 국어 사전. 서울: 민중서림, 2002. – P. 1033-1034), яъни «Гапда ҳоким кесим вазифасида келиб, ёрдамчи феъл кўмагини олувчи феълдир». Ўзбек тилида **본용언** [bon yong-eon] етакчи феълга тўғри келади, шу сабабли диссертация ишида «етакчи феъл» терминидан фойдаланилди.

² 김용석. 한국어 보조동사 연구. 서울: 배달말, 1983; 김기혁. 국어 보조동사 연구. 서울: 연세대학교 박사학위논문, 1987; 서정수. 국어 문법. 서울: 한양대학교 출판원, 1996; 신개정. 외국인을 위한 한국어 문법. 서울: 연세대학교 출판부, 2003.

³ 손호민. Coherence in Korean Auxiliary Verb Construction. 어학연구 9 권 2 호. 서울. 1973; 김현권. 한국어의 동사 III). 서울: 새국어생활, 2003; 한송화. 한국어 보조용언의 상적 기능과 양태기능, 화행적 기능에 대한 연구// - «하다»를 중심으로. 서울: 연세 대학교, 2005; 한명주. 현대국어 현식명사 구성의 양태성 연구. 서울: 서강대학교, 2005. – 14 p.

⁴ 손세모돌. 국어 보조용언 연구. 서울: 한국문화사, 1996; 서정수. 국어 문법. 서울: 한양대학교 출판원, 1996; 호광수. 국어 보조용언 구성 연구. 서울: 역락 도서출판, 2003; 남신혜. 한국어 상적 표현문형의 용언 결합 양상 연구: 보조용언 및 보조용언 상당 구성을 중심으로. 서울: 연세대학교, 2018. – P. 93-120.

⁵ 손호민. Coherence in Korean Auxiliary Verb Construction. 어학연구 9 권 2 호. 서울. 1973; Abasolo. Semantic Trends in Verbal Coumpounding. Papers in Korean Linguistics. Horbeam press, 1978; 황병순. 국어 복합동사에 대하여. 서울: 영남어문학 영남대, 1986; Alexander Gelbukh. Computational Linguistics and Intelligent Text Processing. –Mexico: Springer, 2005. – P. 60-67.; 채희락. 한국어 [... V ... V] 표현의 종합적 통사 분석 I 보조용언류 구문과 격 교체 현상. 한국언어학회, Vol.40 No.3. 서울: 2015. – P. 545-580.

⁶ 손세모돌. 중세.근대국어 보조용언 연구의 잠점과 과제. 서울: 한국사 학회, 2017.

Бугунга қадар Ўзбекистонда корейс тилидаги кўмакчи феъллар ўрганилмаган. Мазкур тадқиқот корейс тилидаги кўмакчи феъллар бўйича ўзбек тилида амалга оширилган илк илмий иш ҳисобланади. Ушбу мавзуни монографик планда ўрганиш, корейс тилидаги кўмакчи феълларнинг семантико-функционал белгиларини аниқлаш зарурати тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди. Зеро, турли тилларнинг ўзига хос тенденция ва қонуниятларини очиб бериш, тиллараро муқобилларни аниқлаш, турли тиллардаги фарқ ва ўхшашликларнинг методик жиҳатдан аҳамиятининг ўрганилиши хорижий тилни ўзлаштираётганлар нутқида ўрганилаётган тилнинг қулай ва самарали жиҳатларини аниқ кўрсатиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академиясининг фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4358-сон «2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, мазкур соҳада қабул қилинган меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корейс тилшунослигида кўмакчи феъллар XX аср бошларида бир қатор тадқиқотларнинг обьекти бўлган. Жумладан, Ю Гил Жун, Чхве Кванг Ок, Ким Гю Шик, Ли Гю Банг, Ан Хвак, Ли Ван Инг, Чонг Гук Чхе ва Пак Синг Бин⁷ томонидан изланишлар олиб борилган. Бироқ кўмакчи феъллар аксарият тадқиқотларда қўшимчалар категориясига киритилган⁸. Шунингдек, алоҳида сўз туркуми сифатида ўрганилган ҳолат мавжуд⁹.

Чхве Хён Бенинг 1937 йилдаги тадқиқоти¹⁰ корейс тилшунослигида кўмакчи феъллар бўйича кейинги изланишлар учун муҳим манба бўлди. У корейс тилидаги кўмакчи феълларни фундаментал жиҳатдан тартибга келтириб, уларни 20 та гурухга ажратди. Чхве Хён Бе кўмакчи феълларга

⁷ 김민수, 하동호, 고영근(공편). 역대 한국 문법 대계. 서울: 탑출판사, 1986. – Р. 1-97.

⁸ 유길준. 대한문전 (1909), 최광옥. 대한문전 (1908), 이규방. 신선 조선어법 (1922), 안학(1923), 이완응. 조선어 발음급문법 (1926), 정국채. 현행 조선어법 (1926), 박승빈. 조선어학 강의요지 (1931).

⁹ 김규식. 대한 문법. 서울. (1909).

¹⁰ 손세모돌. 국어 보조용언 연구. 서울: 한국문화사, 1996. – Р. 18-35.

нисбатан биринчи марта 도움풀이씨 [doumpurishi] «күмакчи кесим» терминини қўллади. Кейинчалик кўмакчи феълларнинг кўмакчилик хусусиятлари Ши Ий Рин, Ким Гин Су¹¹, семантик-функционал гуруҳларга ажратиш масалалари Чанг Ха Ил, Ю Же Хон, Чонг Рёл Мо, Пак Тэ Юн, Ким Юн Гёнг, Ли Хи Синг¹², функционал хусусиятлари Ким Мин Су, Ли Сунг Нёнг, Чонг Ин Синг ва Чхве Тхе Хол¹³лар томонидан ўрганилди. Мазкур тадқиқотлар кўмакчи феълларни фарқлаш мезонларини ишлаб чиқища катта аҳамият касб этди.

2017 йилда Сонсе Модол корейс тилшунослигида кўмакчи феълларга оид барча тадқиқот ишларини умумлаштириди¹⁴. Унинг рисоласида корейс тилидаги муайян кўмакчи феъллар, етакчи ва кўмакчи феълларнинг бирикиш шакллари, кўмакчи феълларни ажратиш мезонлари тадқики билан боғлиқ маълумотлар келтирилган. Ҳозирги кунга қадар корейс тилида кўмакчи феълларнинг таснифи ва умумий сони бўйича тилшунослар томонидан ягона фикрга келинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Хорижий Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий масалалари» мавзусидаги илмий йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотниң мақсади замонавий корейс тилидаги кўмакчи феълларни тадқиқ этиш, уларнинг семантик-функционал хусусиятларини белгилашдан иборат.

Тадқиқотниң вазифалари қўйидагилардан иборат:

корейс тилшунослигида кўмакчи феълларнинг семантик-функционал хусусиятлари тадқиқига оид илмий манбаларни ўрганиш ва тахлил қилиш;

кўмакчи феълларни фарқлаш мезонлари (구별 기준)ни белгилаш, уларни семантик-функционал хусусиятларига кўра ажратиш ва шу асосда таснифлаш (보조용언 하위 구분 [pojooyong-eon hawi gubun]);

харакат жараёнининг турли кўринишлари ва ҳолат турғунлигини ифодаловчи гада [gada], 오다 [oda], 있다 [itta], 벼리다 [beorida], 내다 [naeda], 낫다 [nada], 놓다 [nohda], 두다 [duda] ва 대다 [daeda] кўмакчи феъллари ҳамда харакат ва ҳолатга нисбатан муносабатни ифодаловчи 주다 [chuda], 보다 [poda], 싶다 [sipda] кўмакчи феълларининг семантик-функционал хусусиятларини белгилаш;

ҳолат ўзгаришига нисбатан муносабатни ифодаловчи 지다 [chida] кўмакчи феълининг қўлланилишидаги семантик имкониятларни аниқлаш.

¹¹ Қар.: 손세모들. 국어 보조용언 연구. 서울: 한국문화사, 1996. – P. 18-35; 최현배. 우리말본 (1937). 김민수, 하동호, 고영근(공편). 1-41. 재록. 서울: 1986; 심의린. 중등학교 조선어 문법. 서울, 1935.

¹² 손세모들. 국어 보조용언 연구. 서울: 한국문화사, 1996. – P. 18-35.

¹³ 손세모들. 국어 보조용언 연구. 서울: 한국문화사, 1996. - P. 18-35.

¹⁴ 손세모들. 중세.근대국어 보조용언 연구의 잠점과 과제. 서울: 한국사 학회, 2017. - 51 p.

Тадқиқотнинг объекти замонавий корейс тилидаги кўмакчи феъллар (보조용언 [pojo yong-eon]) ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини замонавий корейс тилидаги кўмакчи феъллар, уларни фарқлаш мезонлари ва таснифи масалалари ҳамда семантик-функционал белгилари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуслари. Тадқиқот учун тўпланган материалларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, улар тавсифий ва таҳлилий методлар асосида ўрганилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

корейс тилшунослигига кўмакчи феълга нисбатан қўлланилаётган 11 та терминдан **보조용언** [pojo yong-eon]нинг айнан мослиги асосланган;

кўмакчи феълларни белгилашнинг 5 та мезони (**구별 기준** [gubyeol gijun]) ишлаб чиқилган ва унинг асосида кўмакчи феълларнинг 9 та семантик гурӯҳи аниқланган;

ҳаракат жараёни ва ҳолатни кўрсатувчи кўмакчи феълларнинг **보조용언 하위 구분** [pojo yong-eon hawi gubun] таснифи бўйича етакчи феъл билан муносабати, равишлар билан қўлланилиши, гапда ва оғзаки нутқдаги вазифалари каби семантик-функционал белгилари исботланган;

кўмакчи феълларнинг матний маънолари асосида **발신인-수신인** [balsinin-susin] «сўзловчи-тингловчи» ҳамда **발신인-발신인** [balsinin-balsinin] «сўзловчи-сўзловчи» моделларида феълнинг ҳурмат шакли, ўзлаштирма гап, шахс-сон категорияси ифодаланишида шахс ўрнининг муҳимлиги далилланган;

тадқиқ қилинган 13 та кўмакчи феълдан хоҳишистак маъносини ифодаловчи **싫다** [sipda] феълининг «соғ кўмакчи феъл»лик хусусияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуидагилардан иборат:

корейс тилшунослигига **보조용언** [pojo yong-eon] (кўмакчи феъл) доирасида амалга оширилган тадқиқотлар ёритилди;

замонавий корейс тилидаги **보조용언** [pojo yong-eon] (кўмакчи феъллар) учун янги мезонлар белгиланди ва шу мезонлар асосида янги семантик тасниф асослаб берилди;

шакллантирилган янги таснифда кўмакчи феъллар (**보조용언** [pojo yong-eon])нинг семантик-функционал хусусиятлари белгиланди ҳамда уларнинг маъно кўлами бадиий асарлардаги мисоллар асосида далилланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда фойдаланилган тадқиқотлар асосида фундаментал илмий ва маҳсус адабиётларга таянилган ҳолда танланган тадқиқот усуслари, илмий тадқиқот натижаларининг диссертация назарий концепциясига мос келиши билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хуласалар ҳозирги кунда корейс тилшунослигига долзарб ҳисобланган кўмакчи феъллар таснифи, уларни фарқлаш мезонлари масалаларида илмий маълумотларни

кенгайтиради ва тўлдиради. Шу билан бирга тадқиқот натижасида олинган аниқ илмий хulosалар корейс тилшунослигида кўмакчи феъллар ва уларнинг таснифи масалаларини янада чуқурроқ ўрганиш учун муҳим илмий-назарий маълумотлар беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан умумий тилшунослик, корейс тили назарий грамматикаси, корейс тили морфологияси каби ўкув фанларидан маъруза матнлари, дарслик ва ўкув кўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижаларидан олий ва ўрта таълимда корейс тилини ўқитиши жараёнида фойдаланиш юқори самара беради ҳамда лугатлар тузишда кўмакчи феълларнинг таржима вариантларини аниқ белгилашда амалий материал бўлиб хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий корейс тилида кўмакчи феълларнинг семантик-функционал хусусиятларининг тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

корейс тилидаги ҳаракат жараёнини ифодаловчи кўмакчи феъллар ҳамда «сўзловчи-tinglovchi» моделидаги 보да [poda] ва 주다 [chuda] кўмакчи феълларининг илмий-назарий хulosаларидан Ўзбекистон корейс маданий марказлари уюшмасида илмий ишлар бўйича ўтказилган тадбирларда ҳамда ўкув-илмий кўлланмалар яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон корейс маданий марказлари уюшмасининг 2020 йил 22 февралдаги 22/1-сон маълумотномаси). Олинган натижалар корейс тилидаги кўмакчи феълларнинг ўрнини белгилашда ҳамда ўкув-илмий кўлланмаларни тузишда хизмат қиласди;

корейс тилшунослигида кўмакчи феълларнинг тадқиқи билан боғлиқ таҳлил натижалари ва материалларидан «Kazakh Ablai Khan University of International Relations and World languages»нинг илмий-амалий тадбирларида фойдаланилган («Kazakh Ablai Khan University of International Relations and World languages»нинг 2020 йил 20 февралдаги 20-26-сон маълумотномаси). Олинган назарий ва амалий натижалар корейс тилидаги кўмакчи феълларнинг морфологик хусусиятларини чуқур ўрганишга хизмат қиласди;

корейс тилида ҳаракатга нисбатан муносабатни ифодаловчи кўмакчи феълларнинг семантик-функционал хусусиятлари бўйича таҳлилий фикрлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телерадиоканалининг «Таълим ва тараққиёт», «Адабий жараён» радиоэшиттиришларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 27 январдаги 04-24-185-сон маълумотномаси). Натижада корейс тилида ҳаракат бошқа инсон учун амалга оширилишида кўмакчи феълларнинг ўрни ҳамда сухбатдошга нисбатан муомалада кўмакчи феъл ҳурмат шаклларининг қўлланилиши ҳақидаги маълумотлар кўрсатувларнинг халқчиллигини оширишга хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилингандиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Илмий ишнинг умумий ҳажми 130 бетни ташкил қиласди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ҳамда вазифалари, обьекти ва предмети, тадқиқотнинг усуллари, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Корейс тилшунослигига кўмакчи феъллар тадқиқининг назарий асослари**» деб номланган **биринчи бобида** корейс тилшуносларининг кўмакчи феъллар тадқиқига оид илмий ишлари, кўмакчи феълларни белгилаш мезонлари асосида уларнинг семантик-функционал хусусиятларини аниқлаш ва семантик гуруҳларга ажратиш масалалари ўрганилган.

XX аср бошларида Чхве Хён Бе илк маротаба корейс тилидаги кўмакчи феълларни фундаментал жиҳатдан тартибга келтириб, уларни гуруҳларга ажратган ҳолда таснифлаган¹⁵. Мазкур таснифга кўмакчи феъллар сифатида қаралмайдиган бирликлар киритилган бўлса-да, бу тадқиқот кўмакчи феълларнинг ўрганилишида кейинги изланишларга назарий асос бўлиб хизмат қилган. Сонсе Модолнинг таъкидлашича, бир қатор корейс олимлари томонидан кўмакчи феъллар алоҳида сўзлар, қўшимчалар, аффикслар ва ҳ.к. сифатида кўриб чиқилган. Хусусан, бундай тадқиқотлар қаторига Ю Гил Жун, Ким Мин Су, Ха Донг Хо, Го Ёнг Гин¹⁶ларнинг илмий ишлари киритилади. Уларнинг тадқиқотларида кўмакчи феъллар алоҳида обьект сифатида олинмай, қўшимчаларга киритилган. Корейс тилшунослигига кўмакчи феълга нисбатан ўндан зиёд термин кўлланиб келинган. Кўмакчи феъл учун турли терминлар мавжудлигига қарамай, ушбу тадқиқот учун 보조용언 [роjoyong-eon] «кўмакчи феъл» термини танланди. Мазкур термин структур жиҳатдан қўшма сўз шаклида бўлиб, термин таркибидаги 보조 (補助) ¹⁷ [роjo] сўзи «ёрдамчи», «кўмакчи» маъноларини, иккинчи элемент 용언 [yong-eon] «феъл» маъносини ифодалайди.

¹⁵ 최현배. 우리말본 (1937). 김민수/허동호/고영근(공편). 1-47. 재록. 서울, 1986. – Р. 40.

¹⁶ 유길준. 대한문전 (1909). 김민수, 하동호, 고영근(공편). 1-06. 재록. 서울, 1986. См.: 손세모돌. 국어 보조용언 연구. 서울: 한국문화사, 1996. - Р. 5-10.

¹⁷ 이희승. 국어 사전. 서울: 민중서림, 2002. – Р. 1016.

Замонавий корейс тилида 용언 (用言) [yong-eon] «феъл» тушунчаси феълларнинг барча турларига¹⁸, хусусан, кесим вазифасида келувчи ҳаракат феъллари (동작동사), ҳолат феъллари (상태동사) ҳамда от-кесим 이다 [ida]¹⁹ га нисбатан қўлланади, бунда 동사 (動詞) [dongsa] «феъл» тушунчаси фақат ҳаракат феъллари учун қўлланилади.

Тадқиқот давомида кўмакчи феълларнинг семантик-функционал хусусиятлари аниқланди ва мавжуд ҳамда янги аниқланган маълумотлар асосида корейс тилидаги мустақил феълларнинг «кўмакчилик» функциясига кўра кўмакчи феълларни аниқлаш ва белгилаш мезонлари ишлаб чиқилди:

1) *Кўмакчи феъл етакчи феълга синтактик ва семантик жиҳатдан тобелигига кўра фарқланади, яъни кўмакчи феъл мустақил феъл ўрнида кела олмайди. Бу мустақил феълнинг гапдаги асосий функцияси кесим вазифасида келиши билан изоҳланади. Кўмакчи феъл эса алоҳида ўзи кесим функциясини бажара олмайди.* Масалан:

나 혼자 집으로 와 버렸어. *Мен бир ўзим уйга кела қолдим.*

Келтирилган мисолда 와 버렸어 «кела қолдим» бирикмасида 버리다 [beorida] кўмакчи феъл вазифасини бажаради ва етакчи феъл ифодалаган ҳаракатнинг тугалланганлиги маъносини билдиради. Аммо 버리다 [beorida] кўмакчи феълининг етакчи феъл сифатида 나 혼자 집으로 버렸어*²⁰. *Мен бир ўзим уй томон ташладим каби қўлланилиши нотўғри*²¹. Кўмакчи феълларни ажратишнинг айнан шу мезони уларнинг етакчи феълга тобелигини, кўмакчи феълли бирикманинг ўзига хос ички структурага эга бўлиб, яхлит бўлинмас қўшилмани ташкил қилишини кўрсатади.

2) *Кўмакчи феъллар ўриндош шакллар билан муносабатига кўра фарқланади, хусусан етакчи феъл 그러하다 [keureohada] феъли билан ўрин алмашади.* Масалан:

윤희네 집으로 전화를 걸어 볼까? *Юнхига қўнгироқ қилиб кўрайми?*

Ушбу сўроқ гапда кўмакчи феълли бирикма 전화를 걸어 볼까 «қўнгироқ қилиб кўрайми» бўлиб, саволга қўйидагича муносабат билдирилади:

나도 전화를 걸어 볼까? *Мен ҳам қўнгироқ қилиб кўрайми?*

Аммо саволдаги 걸다 [keolda] етакчи феъли такрор қўлланмаслиги учун 그러하다 [keureohada] ўриндош феъли қўлланиши ҳам мумкин.

나도 그래 볼까? *Мен ҳам шундай қилиб кўрайми?*

¹⁸ 이회승. 국어 사전. 서울: 민중서림, 2002. – Р. 1738; Ван Тонг, Ким Хак Су. Русско-корейский словарь. Университет Корё. – Сеул: Чжурю, 1987. - С.185.

¹⁹ От кесимда гапнинг кесими от, сифат, сон, равиш, ҳаракат номи ва тақлид сўз билан ифодаланади.

²⁰ (*) белгиси остида корейс тили грамматик меъёрларига тўғри келмаган мисоллар келтирилган.

²¹ 손세모돌. 국어 보조용언 연구. 서울: 한국문화사, 1996. - Р. 42.

Гап мазмунан ўзгармаган. Аммо 나도 전화를 걸어 그럴까? тарзида кўмакчи феълнинг ўрнига 그러하다 [keureohada] ўриндош феъл шакли қўлланилса, гап нотўғри тузилган бўлади: «Мен ҳам қўнгироқ қилиб шундай қиласайми?» каби. Охирги жавоб вариантидан кўринадики, кўмакчи феъл ўриндош шакл билан ўрин алмашмайди. Кўмакчи феълларнинг бу хусусияти Ким Ги Хёк ва Ан Мёнг Чхолларнинг тадқиқотларида батафсил ёритилган²².

3) *Кўмакчи феълларнинг етакчи феълдан кейин кетма-кет қўлланиши.* Корейс тилида етакчи феълга кетма-кет бир нечта кўмакчи феъл бирикади. Бунда энг кўп тўртта кўмакчи феъл кела олади²³. Масалан:

나도 너의 그 말을 믿어 봐 줘 버리고 싶다. *Мен ҳам сенинг бу гапингга ишонишни хоҳлардим.*

Юқоридаги мисолда 믿다 [mitta] «ишонмок» етакчи феъл бўлиб, ундан кейин тўртта 보다 [poda], 주다 [chuda], 버리다 [beorida], 싶다 [sipda] кўмакчи феъллари бирикиб келган.

4) *Кўмакчи феълли бирикмаларда ўхшаши шаклдаги етакчи феъл билан бирга қўлланиши.* Сонсе Модол кўмакчи феълнинг такрор қўлланилиш ҳолатлари учраши, аммо бу одатий ҳисобланмаслиги, бу хусусият 가다 [gada], 버리다 [beorida], 보다 [poda], 두다 [duda] кўмакчи феълларига кўпроқ хос бўлиб, оғзаки нутқда учрашини алоҳида таъкидлайди. Масалан:

이제 거의 다 가 간다. *Хозир деярли жўнаб кетмоқда* (айнан: 가 간다 «бориб боряпти»).

5) *Кўмакчи феълларнинг аспект ва модаллик маъноларига эга бўлиши* (상 의 및 양태 의미). Кўмакчи феълларнинг бундай грамматик маънолари уларнинг гапда етакчи феъл билан бирга қўлланиб, уларга қўшимча грамматик маъно юклashiiga асос бўлади. 상 [sang] аспект феълларига хос грамматик категория бўлиб, феълнинг тугалланган ёки тугалланмаганлигини қўрсатади. Масалан:

칼례는 고향에 갔다²⁴. *Калле ватанига кетди.*

Келтирилган гап 칼례는 고향에 갔다 ўтган замонда ифодаланиб, ҳаракат натижавийлигини қўрсатади.

칼례는 고향에 가고 있었다. *Калле ватанига кетаётган эди.*

Бу гапда эса вазиятнинг бир қисми, яъни ҳаракатнинг давом этаётган қисми ҳамда вазият якуний нуқтага қараб кетаётганлиги ҳисобга олинса, нейтрал ҳолат маълум бўлади.

Кўмакчи феъллар аспект маъноларидан ташқари модал маъноларга – 양태 의미 [yangtae uimi]²⁵ ҳам эга бўлиб, улар сўзловчининг мулоқот обьектига

²² Қар.: 서정수. 국어 문법. 서울: 한양대학교 출판원, 1996.

²³ Қар.: 서정수. 국어 문법. 서울: 한양대학교 출판원, 1996. - P. 600-601.

²⁴ 박양규. 할머니. 서울: 비룡소, 1999. - P. 45.

муносабатини кўрсатади. Одатда, нутқ жараёнида сўзловчи тингловчига фақат маълумотнинг ўзини эмас, балки ўзининг мазкур маълумотга шахсий муносабатини ҳам етказади. Бунга 대다 [daeda] кўмакчи феълининг семантико-функционал белгилари мисол бўлади. 대다 [daeda] кўмакчи феъли иш-харакатнинг «такрорланиши» ва «кучайиши» маъноларини билдириб келади. Масалан:

그녀는 떨고 있었고 발작적으로 재채기를 두 번 해 댔다²⁶.

У қалтираётган эди, тутқаноги тутиб, икки маротаба аксириб юборди.

Мисолда етакчи феъл 재채기를 하다 [jaechaegileul hada] «аксирмок» ифодалаётган ҳаракатнинг такроран содир бўлиши ҳамда унга нисбатан сўзловчининг психологик муносабатини ҳам ифодалаб келмоқда.

Диссертация ишида белгиланган мезонлар асосида корейс тилидаги кўмакчи феъллар жамланди ва уларнинг семантико-функционал хусусиятлари ўрганилди. Тадқиқот материаллари таҳлили натижаси сифатида замонавий корейс тилидаги кўмакчи феъллар қуидаги тўққизта маъно гурӯхига ажратилди:

1. Иш-харакат ва ҳолатнинг давом этиши ва узвийлиги маъносини ифодаловчи 가다 [gada], 오다 [oda] ва 있다 [itta] кўмакчи феълининг -고 있다 [-go itta] шакли.
2. Ҳолат турғунлиги семасини англатувчи 있다 [itta] кўмакчи феълининг -아/어/여 있다 [-a/o/yo itta] шакли.
3. Ҳаракат бутунлай тугалланганлиги маъносини ифодаловчи 버리다 [beorida], 내다 [naeda], 낫다 [nada] кўмакчи феъллари.
4. Етакчи феъл натижасининг сақланганлиги маъносини кўрсатувчи 두다 [duda] ва 놓다 [nohda] кўмакчи феъллари.
5. Ҳаракат такрорланиши ва кучайиши маъносини ифодаловчи 대다 [daeda] кўмакчи феъли.
6. Бирор бир шахсга қаратилган ёки бирор шахс учун амалга оширилган ҳаракатни кўрсатувчи 주다 [chuda] кўмакчи феъли ва унинг 주시다 [jusida], 드리다 [deulida] ҳурмат шакллари²⁷.
7. Ҳаракатни синаш ва текшириш маъноларини ифодаловчи 보다 [poda] кўмакчи феъли.
8. Шахсий хоҳиш-истак маъносини ифодаловчи -고 싶다/싫어하다 [-go sipda/sipohada] кўмакчи феъли.

²⁵ 이희승. 국어 사전. 서울: 민중서림, 2002. - 2855 p.; 한글학회. 우리말 큰사전. 서울: 어문각, 1992. – 982 p.; 국립국어대사전. 표준국어대사전. 서울: 두산동아, 1999. - 1209 p.

²⁶ 윤대녕. 누가 걸어 간다. 서울: 문학동네, 2004. – P. 54.

²⁷ Ким Н.Д. Типы предложений по коммуникативной целеустановке в современном корейском языке. Автореф. дисс..докт.филол.н. – Ташкент: ТашГИВ, 2018. – С. 47-48.

9. Ҳолат ўзгариши маъносини англатувчи **지다** [chida] кўмакчи феъли.

Кўмакчи феълларнинг семантик-функционал хусусиятлари ва белгиланган мезонлар ҳаракат жараёни ва ҳолатни кўрсатувчи кўмакчи феълларнинг семантик-функционал хусусиятларини ўрганишга асос бўлди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Ҳаракат жараёни ва ҳолатни кўрсатувчи кўмакчи феълларнинг семантик-функционал хусусиятлари**» деб номланади. Мазкур бобда жараёнлиликнинг турли хил кўринишлари, хусусан, ҳаракат жараёни, ҳаракат тугалланганлиги, тугалланган ҳаракатнинг давомийлиги, ҳаракат тўла бажарилганлиги ва ҳаракат сақланганлиги (натижавийлиги), ҳаракатнинг кескин намоён бўлиши, қисқа вақт ичидаги ҳаракатнинг амалга оширилиши ва бошқа маъноларни ифодаловчи кўмакчи феълларнинг семантик-функционал хусусиятлари аниқланган²⁸. Бу гурух таркибига қуйидаги кўмакчи феъллар киритилган: **가다** [gada], **오다** [oda], **-고 있다** [-go itta], **-아/어/여 있다** [-a/o/yo itta], **놓다** [nohda], **두다** [duda], **버리다** [beorida], **내다** [naeda], **나다** [nada], **대다** [daeda]. Фикримизча, **가다** [gada] ва **오다** [oda] кўмакчи феълларида жараён, давомлилик ва йўналиш маънолари бирга ифодаланиши сабаб, бу феълларга ҳаракат жараёнининг давомлилик маъносини ифодалаб келувчи кўмакчи феъл деб қаралса, мақсадга мувофиқ бўлади.

나이를 먹어가면서 차차 깨닫게 되리라²⁹.

Улгайган (улгайиб борган) сари аста-секин тушунади деган умиддаман.

Юқоридаги гапда **가다** [gada] кўмакчи феъл сифатида қўлланилган, субъект вақтнинг маълум нуқтасидан навбатдаги нуқтасига қараб йўналишини билдиради. 나이를 먹다 [naireul mokda] «ёши ўтмоқ» ана шу йўналишдаги бўладиган ҳолатdir. **가다** [gada] кўмакчи феълининг яна бир жиҳати, у матн мазмунига кўра ҳаракатнинг тўхтаб-тўхтаб (узилиб) давом этишини ифодалашга хизмат қиласи.

그런 생각을 하는데 치지직, 하고 뭔가 묘한 소리가 들려더니 전등이 하나둘씩 껴져갔다³⁰.

Шулар ҳақида ўйлаб турган эдим, «гийт» этган овоз эшишилди ва чироқлар бирин-кетин ўча бошлиди.

²⁸남신혜. 한국어 상적 표현문형의 용언 결합 양상 연구: 보조용언 및 보조용언 상당 구성을 중심으로. 서울: 연세대학교, 2018. – Р. 93-120.; 김윤신. 상 보조용언 구성 «-어 가다» / «-어 오다»의 의미. 사단법인 한국언어학회언어학언어학 제 52 권. 서울: 2008. – Р. 1257-1278; Мильруд Р.П., Антипова И.В. Типологические характеристики модальности в научно-исследовательском письменном тексте //Язык и культура. - №2. – Москва, 2009. - С. 29-38; 한명주. 현대국어 현식명사 구성의 양태성 연구. 서울: 서강 대학교, 2005. – 14 р.; Цалкаламанидзе А.А. Семантико-синтаксические группы глагола в узбекском языке. – Тбилиси: Мецниереба, 1987. – 130 с.

²⁹ 윤대녕. 누가 걸어 간다. 서울: 문학동네, 2004. - P. 23.

³⁰ 윤은아. 청일야. 서울: 라떼북, 2015. – P. 42.

Юқоридаги мисолда 껴져 갔다 «ўча бошлади» кўмакчи феълли биримада «чироқларнинг ўчиши» узлуксиз рўй берадиган ҳодиса эмас, балки муайян оралиқлар билан узилиб-узилиб давом этувчи ҳодиса эканлиги кузатилади.

Ода [oda] кўмакчи феълининг қўлланилиши гада [gada] кўмакчи феъли билан бир хил бўлса-да, уларнинг ҳаракат йўналиши бир-бирига тескаридир. Ода [oda] кўмакчи феъли қатнашган гапда, ўтган замонда бошланган иш-ҳаракатнинг йўналиши ҳозирги замонда, яъни нутқ моментигача давом этаётганлиги ифодаланади:

지난 칠 개월 동안 나는 항아리 안에 빠져 있는 청개구리처럼 살아 왔다³¹.

Ўтган етти ой давомида мен кўзага тушиган бақадек яшаб келдим.

Бу гапда сўзловчи макон жиҳатидан ҳаракат йўналтирилган нуқтада, аниқроғи нутқ моментида туради.

있다 [itta] «бор бўлмоқ» мустақил феълининг икки хил -고 있다 [-go itta] ва -아/어/여 있다 [-a/o/yo itta] шакллари кўмакчи феъл сифатида ўрганилди. Бу феъл ҳам ҳаракат, ҳам ҳолат феъллари хусусиятига эга бўлиб, бу унинг маълум вазиятда қўлланишига боғлиқ. Масалан:

수업을 하고 있는데, 할머니는 불쑥 교실 문을 열고 성큼 들어왔다³².

Дарс вақтида бувиси синф эшигини очиб, аста кириб келди.

Кўринадики, 있다 [itta] кўмакчи феъли дарс жараёнининг давомийлигини ифодалаган. 있다 [itta] кўмакчи феъли етакчи феълга -아/어/여 [-a/eo/yo] боғловчи аффикси ёрдамида бирикиб, ҳолат турғунлиги маъносини, яъни «бирор бир ҳолатда бўлиши»ни ифодалайди:

가방 밑에는 작은 바퀴가 달려 있었다³³.

Сумканинг остки қисмida кичкина гилдирак осилиб турар эди.

Ҳаракатнинг тугалланиши маъносини ифодаловчи кўмакчи феъллар гуруҳига бурида [beorida],內다 [naeda] ва 나다 [nada] феъллари киритилади. Масалан:

그 게 밖으로 빠져 나가 버리는 바람에 일이 이렇게 됐지³⁴.

Ташқарига отилиб чиқиб кетгани сабаб шундай ҳолат юз берди.

한 권의 책을 읽고 난 뒤 더 이상의 책이 필요 없다는 생각이 든다면 그건 실패한 독서다³⁵.

Бирор китобни ўқиб бўлиб энди бу китобни ўқишининг ҳожати йўқ деган фикр тузилса, бу муваффақиятсиз ўқии ҳисобланади (бехуда ўқиш маъносида).

³¹ 윤대녕. 누가 걸어 간다. 서울: 문학동네, 2004. - P. 13.

³² 박양규. 할머니. 서울: 비룡소, 1999. - P. 64.

³³ Кўрсатилган манба. - Б. 52.

³⁴ 윤대녕. 누가 걸어간다. 서울: 문학동네, 2004. - P. 17.

³⁵ 김범준. 나는 매일 책을 읽기로 했다. 서울: 비즈니스북스, 2018. – P. 19.

버리다 [beorida] ва 낫다 [nada] кўмакчи феъллари каби, 낫다 [naeda] кўмакчи феъли ҳам иш-ҳаракатнинг тугалланганлиги маъносини ифодалайди. Аммо улардан фарқли равишда 낫다 [naeda] кўмакчи феъли етакчи феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг тугатилиши осон кечмаганлиги маъносини ҳам билдиради:

나는 며칠동안 분석에 매달려 15 페이지 가량의 리포트를 작성해냈다³⁶.

Мен бир неча кун давомида таҳлил устида ишлаб, ҳисоботнинг (фақат) 15 бетини тузиб бўлдим.

놓다 [nohda] ва 두다 [duda] кўмакчи феъллари умумий жиҳатдан иш-ҳаракатнинг сақланганлик маъносини англатса-да, улар ўртасида фарқли жиҳатлар бор. Масалан:

창문을 열어 놓아라³⁷. *Деразани очиб қўй* (очиқ ҳолда қолдор).

내 말을 잘 들어 두어라. *Гапларимни яхшилаб эшитиб қўйгин.*

놓다 [nohda] кўмакчи феъли қатнашган гапда сақланганлик маъноси қисқа муддат давом этиши, 두다 [duda] кўмакчи феълидаги сақланганлик маъноси узоқ вақт давом этиши кузатилади.

Корейс тилида иш-ҳаракатнинг такрорийлиги ва қучайиши маъноси 대다 [daeda] кўмакчи феъли орқали ифодаланади. Аммо баъзи тадқиқотларда (Чхве Хён Бе ва Со Жонг Су) 대다 [daeda] кўмакчи феъли қучайиш маъносини, бошқа тадқиқотларда (Сонсе Модол) 대다 ҳам кучайиш, ҳам такрорийлик маъносини ифодалashi таъкидланади. Масалан:

왜 이렇게 올어 대니? *Нега бунча йиғлаб ўляпсан?*

올어 대니 «йиғлаб ўляпсан» кўмакчи феълли бирикма «йиғлаб ётибсан» деб ҳам ифодаланиши мумкин. «Йиғлаб ўляпсан» ҳаракатнинг кучли даражада юзага келиши маъноси, «йиғлаб ётибсан» эса етакчи феълдаги иш-ҳаракатнинг давомли такрорланаётганлиги маъносини билдиради. Демак, кўмакчи феъллар нафақат ёрдамчи маъно, балки тузилишига кўра ҳам ўзига хос жиҳатларга эга.

«Ҳаракат ва ҳолатга нисбатан муносабатни ифодаловчи кўмакчи феълларнинг семантик-функционал хусусиятлари» деб номланган учинчи бобда сўзловчи ва тингловчи ҳамда сўзловчининг ўзига муносабатини акс эттирувчи кўмакчи феъллар ўрганилди. Диссертацияда бундай муносабат «сўзловчи-tinglovchi» ва «сўзловчи-sўzlovchi» модели деб номланди. «Сўзловчи-tinglovchi» моделида ҳаракатга нисбатан муносабатнинг ифодаланиши 주다 [chuda] кўмакчи феълининг сўроқ, буйруқ-истак, таклиф шаклларида айниқса яққол кузатилгани учун 주다 [chuda] кўмакчи феълини айнан шу шакллар чегарасида ўрганиш имконини берди.

주다 [chuda] кўмакчи феъли Со Жонг Су томонидан хизмат кўрсатишни ифодаловчи кўмакчи феъл сифатида ўрганилган ҳамда етакчи феъл

³⁶ 안의정. 작은 사랑의 이야기. 서울: 블루페밀리. - Р. 116.

³⁷ 이영주. 신의 편지. 서울: 퍼플, 2017. - Р. 14.

ифодалаётган иш-ҳаракатни бошқа учун амалга ошириш маъносини ифодалаши таъкидланган. Сонсе Модол³⁸ ҳам шу фикрни билдириб, 주다 [chuda] кўмакчи феъли, шунингдек, «фойда келтириш» маъносини ифодалашини қайд этган. Пак Сон Окнинг фикрича, 주다 [chuda] кўмакчи феълининг «хизмат кўрсатмоқ» ёки «фойда келтирмоқ» маънолари билан чекланиш нотўғри. У қуйидаги мисолни келтиради:

그에게 큰 집을 안겨 주었다³⁹. *Унга катта ташвии орттириб берди* (кўчма маънода).

Юқоридаги мисолдан кўринадики, «хизмат кўрсатиш» ёки «фойда келтириш» маъноларига мутлақо тескари маъно англашилган. Бу эса, 주다 [chuda] феъли ижобий маъно ифодалаш билан бир қаторда, салбий маъно ҳам англатиши мумкинлигини кўрсатади. Пак Сон Ок 주다 [chuda]ни 제공 [jegong], яъни «етказиб бериш» маъносини ифодалайди, деган фикрни илгари суради. 드리다 [teurida] ва 주시다 [jusida] кўмакчи феъллари 주다 [chuda] кўмакчи феълининг хурмат шакллари ҳисобланади.

Тадқиқот давомида 주다 [chuda] кўмакчи феълининг қўлланилишида турли хил маънолар кузатилди. Қуйида 주다 [chuda] кўмакчи феълининг бир хил кўмакчи феълли бирикмада икки хил маъно англатиши мумкинлигини кўриш мумкин:

- 1) 제발 살려 주세요. *Илтимос, мени қутқаринг.*
- 2) 아파트 제발 살려 주세요⁴⁰. *Бинони сақлаб қолинг.*

살려 주세요 кўмакчи феълли бирикма биринчи мисолда ҳаракат вақт ғаниматлиги сабаб, шароитни ўзгартириб сўзловчини қутқариш зарурлиги, иккинчи мисолда эса шароитни ўзгаришига йўл қўймасдан шундайлигича қолдириш кераклиги маъноларини билдиради.

저를 신경 쓰지 말고 가 주세요. *Менга эътибор бермай юраверинг.*

일을 생각하지 말고 가 주세요. *Ишни ўйламай кетаверинг.*

Юқоридаги мисолларда нутқий матннинг хусусиятидан келиб чиқиб, етакчи феълдаги ҳаракатни амалга оширишда ҳеч қандай тўсиқ йўқлиги маъноси ифодаланади.

Буйруқ-истак майли ва ўзлаштирма гапларда 주다 [chuda] кўмакчи феъли ўрнига 달다 [talda] феъл шаклидан фойдаланилади⁴¹. 주다 [chuda] феъли

³⁸ «주다»는 «수혜»의 기본의미 기능으로 한다. «수혜»란 선행동사의 동작에 대한 «유익성» 판단을 말한다. .. 이때 유익함을 말할이에게 유익한 것일 수도 있고, 주어에 대한 것일 수도 있으며 기타의 대상에 대한 것일 수도 있다... «봉사»도 남을 위하여 움직이는 뜻»을 나타내기 때문이다. 그러나 «주다»는 단순히 남을 위해움직이는 뜻을 나타내는 것이 아니라 어떤 동작이 유익하는 말할이의 판단가지를 표현한다.

³⁹ 박선옥. 국어 보조동사의 통사와 의미 연구. 서울: 역락 도서출판, 2005. - P.199-207.

⁴⁰ 국민청원.울산 명촌 효성 해링턴 플레이스 아파트 제발 살려 주세요. 2019.11.19.

⁴¹ 이희승. 국어 사전. 서울: 민중서림, 2002. -P. 542.

ҳаракатнинг ким томонга йўналтирилганлигига қараб турлича қўлланилади. Масалан, агар ҳаракат 1-шахс томонидан амалга оширилаётган бўлса, 주다 [chuda] феъли 달라고 하다 [dallago hada] шаклида, агар ҳаракат 3-шахс томонидан амалга оширилаётган бўлса, 주라고 하다 [jurago hada] шаклида қўлланилади⁴². Аникроғи, агар сўзловчининг ўзига керакли нарса сўралса, 달라고 하다 [dallago hada], агар ҳаракат 3-шахсга керакли нарса бўлса, 주라고 하다 [jurago hada] шаклида бўлади:

영희: 점심 좀 사 주세요 → 영희는 점심을 사 달라고 합니다.

Ёнхи: Тушилик олиб беринг → Ёнхи тушилик олиб беришни сўрайпти.

승희: 과일을 아이에게 주세요 → 승희는 과일을 아이에게 주라고 한다.

Сингхи: Мевани болага беринг → Сингхи мевани болага беришни сўрайпти.

«Сўзловчи-сўзловчи» моделида ҳаракат ёки ҳолатга нисбатан муносабат сўзловчининг шахсий хоҳишистак маъносини ифодаловчи 싶다 [sipda] кўмакчи феълида яққол ифодаланади. Бунда 싫다 [sipda] кўмакчи феъли етакчи феълга - 고 [-go] боғловчи аффикси ёрдамида бирикиши шартлиги, унинг «соғ кўмакчи феъл» эканлигини билдиради:

될 수만 있으면 오래 살고 싶어. Имконим 𝑏ўлса эди, узок яшашини хоҳлардим.

Юқоридаги гапда 싫다 [sipda] кўмакчи феъли орқали сўзловчининг «яшаш»га бўлган хоҳиши ифодаланган.

싫다 [sipda] кўмакчи феълининг 3-шахс учун қўлланиладиган маънодош шакли 싫어하다 [sipohada] дир:

1) 저는 집에 가고 싶어요. Мен уйга кетишни хоҳлайман.

2) 민수는 집에 가고 싶어해요. Минсу уйига кетишни хоҳлайди.

